

**ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.27.06.2017.Fil.05.02
РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ДАРВИШОВ ИБРОХИМ ЎРМАНОВИЧ

**ЖАНУБИ-ҒАРБИЙ НАМАНҒАН ШЕВАЛАРИ ФОНЕТИК-
ФОНОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИНИНГ АРЕАЛ ТАДҚИҚИ**

10.00.01 – Ўзбек тили

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фарғона – 2018

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертация
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
филологическим наукам**

**Contents of Dissertation
Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD) in Philology**

Дарвишов Иброхим Ўрманович

Жануби-ғарбий Наманган шевалари фонетик-фонологик

хусусиятларининг ареал тадқиқи 3

Дарвишов Иброхим Урманович

Ареальное исследование фонетико-фонологических особенностей

диалектов юго-западного Намангана 21

Darvishov Ibroxim Urmanovich

Areal studies phonetic and phonological features of

dialects South-western Namangan 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 43

Иловалар

Приложение

Appendix 49

**ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.27.06.2017.Fil.05.02
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ДАРВИШОВ ИБРОХИМ ЎРМАНОВИЧ

**ЖАНУБИ-ҒАРБИЙ НАМАНГАН ШЕВАЛАРИ ФОНЕТИК-
ФОНОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИНИНГ АРЕАЛ ТАДҚИҚИ**

10.00.01 – Ўзбек тили

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фарғона – 2018

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В 2017.3.PhD/Fil.257 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Андижон давлат университети ўзбек тилшунослиги кафедрасида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус) Фарғона давлат университети веб-сайти www.fdu.uz ҳамда «Ziyonet» ахборот-таълим портали www.ziyonet.uz манзилига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Набиева Дилора Абдухамидовна филология фанлари доктори
Расмий оппонентлар:	Муминов Сидиқжон Мирсобирович филология фанлари доктори, профессор Собиров Абдулхай Шукурович филология фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	Қўқон давлат педагогика институти

Диссертация ҳимояси Фарғона давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.27.06.2017.Fil.05.02 рақамли Илмий кенгашнинг «___» _____ 2018 йил соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100151, Фарғона шаҳри, Мураббийлар кўчаси, 19-уй. Тел.: (99873) 244-66-02; факс: (99873) 244-44-01; e-mail: info@fdu.uz)

Диссертация билан Фарғона давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (30-рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100151, Фарғона шаҳри, Мураббийлар кўчаси, 19-уй. Тел.: (99873) 244-71-28

Диссертация автореферати 2018 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2018 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

М.Х.Ҳакимов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, филол.ф.д., профессор

М.Т.Зокиров
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
котиби, филол.ф.н., доцент

А.Б.Мамажонов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси,
филол.ф.д., профессор

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тилшунослигида тилни ареал-типологик ва ареал-лингвистик методлар орқали ўрганиш, ҳар қандай лингвистик назария ва концепцияларнинг бошланғич нуқтаси бўлган шеваларни, уларнинг ўзига хос хусусиятларини тадқиқ этиш муҳим масалалардан бирига айланди. Ареал лингвистиканинг пайдо бўлиши диалектология соҳасидаги турғун бўлиб қолган айрим жиҳатларни, диалект ва шевалар моҳияти, хусусиятлари, ўзаро алоқалари, уларнинг таснифи, тавсифи масаласидаги тушунчаларни янгича баҳолашга, янгича усулларда ҳал қилишга кенг йўл очди.

Дунё тилшунослигида ареал тилшунослик кўп мундарижали соҳа бўлиб шаклланди, чунки ареалогия италян неолингвистлари, жаҳон лингво-географлари ҳамда тиллар иттифоқи йўналиши вакили бўлган тилшуносларнинг амалга оширган тадқиқотларини ўзида мужассамлаштирди. Тадқиқотлар негизида ареал лингвистик концепцияларнинг тадрижий тараққиёти-ни анализ ва синтезлаш натижасида диалектларни умумий тилшуносликнинг бир аспекти сифатида ўрганиш мақсадга мувофиқ эканлиги исботланди. Диалектларни ареалогик тамойиллар ва лингвистик тадқиқот методлари асосида ўрганиш муҳим муаммо сифатида қўйилди. Бинобарин, тил системасини яхлит ўрганишда диалект ва шева ареалларини тадқиқ этиш катта аҳамиятга эга.

Бугунги кунда жамиятимиз ривожланиши учун олиб борилаётган ислохотларни амалга оширишда ўзбек тилшунослиги олдида қўйилаётган вазифаларни бажаришга тўлиқ имконият ва шарт-шароитлар яратилиб, тилимизни ҳар томонлама ўрганиш масаласига бағишланган мақсадли илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Айни пайтда ўзбек шевалари хусусиятларини ареал лингвистик тадқиқотларнинг назарий асосларига таяниб, тарихий-қиёсий ва этнолисоний жиҳатдан тадқиқ этиш устувор йўналишлардан бири сифатида белгиланган. Соҳанинг номукамал, оддий тавсифий ва тасвирий жиҳатлардан иборат, мавҳум ўринларни янгича қарашлар асосида, ментал нуқтаи назаридан ўрганиш ва тўлдиришга зарурат сезилмоқда. Зеро, «бугун биз давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини тубдан янгилашга қаратилган инновацион ривожланиш йўлига ўтмоқдамиз. Бу бежиз эмас, албатта. Замон шиддат билан ривожланиб бораётган ҳозирги даврда ким ютади? Янги фикр, янги ғояга, инновацияга таянган давлат ютади»¹. Ўзбек диалектлари ареалогияси соҳасида ҳам у ёки бу шевага хос бўлган хусусиятларни чуқур тарихий-этимологик нуқтаи назардан, бир қатор бобо тил фактлари асосида пухта ўрганиш кўплаб тарихий-лингвистик муаммоларнинг ҳал этиш ечими ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2018. – Б. 23.

стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони, 2017 йил 16 февралдаги «Олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги ПФ-4958-сон Фармони, 2017 йил 20 апрелдаги «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2909-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 майдаги «Олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги ВМҚ-304-сонли қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳукуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳукуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳон тилшунослигида К. де Монбре, Ж. Жильерон, Д.Монье, Г.Венкер, Ф. Вреде, К.Яберг, Я.Юд, П. Меер, В.М.Жирмунский, С.И.Бромлей, Д.И.Эдельман, В.Пизани, Г.Курат, Т.Фринж, П.Традгил, Й.Чеймберс, И. И. Срезневский ва бошқа тилшунослар ареалогия соҳасини ривожлантирдилар².

Ўзбек тилшунослигида ҳам А.Боровков, К.Юдахин, Е.Поливанов, Ғ.О.Юнусов, В.Решетов, Ш.Шоабдурахмонов, Ф.Абдуллаев, А.Ишаев, С.Иброҳимов, А.Алиев, С.Отамирзаева, А.Шерматов, А.Жўраев, Ҳ.Шариповларнинг шу йўналишда тадқиқотлари мавжуд³, бироқ ўзбек тили диалектлари, уларнинг ареаллари масаласи етарли даражада ўрганилган эмас. Хусусан, Наманган вилояти жануби-ғарбий ҳудуди шевалари ҳам алоҳида олиниб, уларнинг ўзига хос лингвистик хусусиятлари монографик тарзда ўрганилмаган.

² Шерматов А. Лингвистик география нима? – Тошкент: Фан, 1981. – Б.10; Джураев А.Б. Теоретические основы ареального исследования узбекоязычного массива. – Ташкент: Фан, 1991. – С. 3.

³ Боровков А. К. К характеристике узбекских «умлаутный» или «уйгуризованных» говоров. Сб. «Белек» (С.Е. Малову). – Фрунзе, 1946; Узбекский говоры Наманганской области. – Ташкент, 1963; Юдахин К.К. Ўзбек ва уйғур халқлари тилларидаги яқинлик // Ўзбек тили ва адабиёти масалалари. 1958. – № 1. – Б. 31-35; Некоторые особенности Карабулакского говора // Ўзбек диалектологиясидан материаллар. – Тошкент, 1957. – Б.31-59; Поливанов Е.Д. Материалы по грамматике узбекского языка. I. Введение. – Ташкент, 1935; Узбекская диалектология и узбекский литературный язык. – Ташкент: Узгосиздат, 1933; Юнусов Ғ.О. Ўзбек лаҳжаларининг таснифида бир тажриба. – Тошкент: Ўқувўздавнашр, 1937; Шоабдурахмонов Ш. Ўзбек адабий тили ва халқ шевалари. – Тошкент, 1962; Решетов В.В. Ўзбек тилининг қарлуқ-чигил-уйғур лаҳжаси. // Ўзбек тили ва адабиёти масалалари. 1965. – № 5; Абдуллаев Ф. Фонетика Хорезмских говоров. – Ташкент, 1967; Ишаев А. Манғит шевасининг баъзи бир фонетик хусусиятлари. Ўзбек диалектологиясидан материаллар. II. – Тошкент: Фан, 1961; Иброҳимов С. Ўзбек тилининг Андижон шеваси. – Тошкент: Фан, 1967; Шерматов А. Каршинский говор узбекского языка. Автореф. дисс. ...канд. филол. наук. – Ташкент, 1960; Узбекские народные говоры Кашкадарьинской области. – Ташкент, 1978; Алиев А. Ю. Уйчинский говор узбекского языка: Автореф. дисс. ...канд. филол. наук. – Ташкент, 1960; Наманганская группа говоров узбекского языка: Автореф. дисс. ...докт. филол. наук. – Ташкент, 1975; Экспериментально-фонетическое исследование наманганского говора узбекского языка. – Ташкент: Фан, 1974; Шарипов Ҳ. Жанубий Қирғизистон ўзбек шевалари: Автореф. дисс. ...канд. филол. наук. – Ташкент, 1964.

Тадқиқот мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Тадқиқот Андижон давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Узлуксиз таълим тизимида ўқувчилар тил компетентлигини ошириш усуллари» лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади жануби-ғарбий Наманган (ЖҒН) шеваларидаги ўзига хос фонетик-фонологик хусусиятларини таҳлил қилиш, товушлар тизими таснифи ва тавсифини бериш, фонетик жараёнларнинг тарихий генезиси, уларнинг тарқалиш ва амал қилиш ареалини белгилашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

жануби-ғарбий Наманган шеваларининг фонетик ва фонологик хусусиятлари, уларнинг генезиси ва тарихий-қиёсий асосларини, этно-лисоний белгилари ҳамда гуруҳ ва шохобчаларини аниқлаш;

мазкур шеваларнинг ҳудудий таснифини тавсия қилиш ва унинг таркибий ҳамда ташкилий тизими хусусиятларининг ареалини белгилаш;

шевалар ареалининг фонетик-фонологик структурасини адабий тил, ўзбек шевалари ҳамда туркий тиллар билан қиёслаш;

жануби-ғарбий Наманган шевалари товушлар тизимининг парадигматик ва синтагматик хусусиятларини, шевага хос фонетик ҳодисаларнинг бошқа шеваларидан фарқли ва ўхшаш жиҳатларини аниқлаш, унинг ўзбек шевалари системасида тутган ўрни ва ўзбек адабий тили билан муносабати каби масалаларни кўрсатиш.

Тадқиқотнинг объекти жануби-ғарбий Наманган шеваларининг товушлар тизими ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предметини Наманган вилояти жануби-ғарбий ҳудудида жойлашган Наманган, Тўрақўрғон, Поп туманларининг айрим, Мингбулоқ туманининг барча шаҳарча ва қишлоқлари аҳолиси шевалари ва уларнинг амал қилиш ҳудудлари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Жануби-ғарбий Наманган шевалари тадқиқида лингвогеографик, ареал-лисоний, анализ, синтез, индукция, дедукция, тарихий-қиёсий, дистрибутив таҳлил усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилар билан белгиланади:

жануби-ғарбий Наманган шевалари ўзига хос характерли лингвистик хусусиятлари, фонетик-фонологик жараёнлари асосида шохобчаларга ажратилган ва хариталаштирилган;

шеванинг гуруҳ ва шохобчалари этногенезиси, уруғ ва қабиаларнинг бир жойдан иккинчи жойга кўчиб ўтиши (миграция), бирлашиши (консолидация) жараёни далилланган;

дунё туркий тиллари ва ЖҒН шеваларининг фонетик-фонологик тизимидаги товушларнинг вариантлашуви, кучли ва кучсиз оппозицияси ва артикуляцион-акустик жиҳатларидаги муштарак белгилар аниқланган;

шева ареали субстратининг ўзаро бирлаштирувчи изоглосслари қадимги туркий ва эски ўзбек тилининг тарихий далиллари асосида белгиланган;

ЖҒН шевалари ундошлар тизимида қадимги туркий ҳамда эски ўзбек тилларининг фонетик структурасига хос *х, ң(нг), п* каби рудимент фонемалар мавжудлиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси: ЖҒН шевалари фонетик-фонологик хусусиятларини тадқиқ этиш орқали чиқарилган хулосалар, яратилган шева ареал-лингвистик харитаси, асосланган мос ҳодисалар, инновация маркази, иррадиация белгилари ва тил ландшафти диалектология, ўзбек ареал тилшунослиги, тилшунослик назарияси, фонетика, фонология, лексикология, лексикография каби фанлар бўйича яратиладиган дарслик ва ўқув қўлланмалари учун фактик материал ва маълумотлар беради;

шевалардаги фонемаларнинг маъно фарқлаш хусусиятлари аниқланган; шева ва адабий тил системасида маълум микросистемани ташкил этувчи сўзлардаги товуш ва фонемаларнинг интеграл ва дифференциал томонлари очиқ берилган;

диссертацияда диалектал фонетик, лексик ва грамматик унсурлар лингвистик луғатлардаги бирликлар билан қиёсланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги таҳлилга тортилган материаллар ўзбек адабий тили ва ўзбек халқ шевалари табиатидан келиб чиққан ҳолда хулосалар қилиш имконини берганлиги, уларнинг асослилиги, методологик мукамаллиги, шунингдек, қўйилган масалаларнинг аниқлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Диссертация учун тўпланган манба-материаллар таҳлилида диалектология, лингвистик география ва ареал тилшунослик соҳасининг илмий асослари, адабий тил ва диалектал нутқ ўртасидаги муносабатларини ўрганишдаги тамойилларидан фойдаланилган. Тадқиқотнинг илмий таҳлиллари соҳанинг ўрганилиши ҳамда такомиллашувига ўзига хос ҳисса қўшади.

Диссертация ишидаги материаллардан ўзбек тилининг умуммиллий диалектологик харитаси ва миниатласлар тузиш, туркий этимологик, ҳудудий-лисоний ва қиёсий-тарихий йўналишдаги изланишлар, ўзбек диалектологияси ва ареал тилшунослик фанини ўқитишда махсус курс ва семинарлар ташкил этишда фойдаланилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Жануби-ғарбий Наманган шевалари фонетик-фонологик хусусиятларининг ареал тадқиқ этиш асосида:

электрон матнларда адабий ва диалектал сўз ҳамда грамматик воситаларни аниқ фарқлашга ўргатиш масалаларини таҳлил этишга оид фикрлардан БМ-В-Ф4-011 рақамли «Норавшан тўпламлар назарияси асосида матнли маълумотларнинг интеллектуал таҳлили масалаларини тадқиқ қилиш» давлат илмий-тадқиқот дастурлари доирасидаги тадқиқот лойиҳаси бажарилишида фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 5 февралдаги 89-03-582-сон маълумотномаси). Натижада электрон коммуникация воситаларига диалектал унсурлар орқали эмас, адабий тил меъёрлари талаблари асосида сўз ва қўшимчаларнинг ёзиб киритишга

ўргатиш билим оловчиларнинг ёзма адабий тил кўникмаларини ўстиришда ижобий самара бериши ҳақидаги асосли фикрлар билан тўлдирилди;

оила, боғча, мактаб ҳаёти амалиётида адабий тил кўникмалари шаклланишида салбий ҳолатларга олиб келадиган диалектал шароитлар, ўқувчи ва ўқитувчилар ўртасидаги коммуникациянинг шевада ўрнатилиши ҳақидаги фикрлардан А-1-126 рақамли «Узлуксиз таълимда ўқувчилар тил компетентлигини шакллантиришнинг замонавий усуллари» мавзусидаги давлат амалий-тадқиқот дастурлари доирасидаги лойиҳасини бажаришда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 5 февралдаги 89-03-582-сон маълумотномаси). Натижада ўқувчиларни тил компетентлиги ривожланиши учун диалектал шароитларда адабий талаффузга ва ёзма нутқда имло саводхонлигига ўргатиш масалалари ҳақидаги фикрлар билан лойиҳа иши бойтилди;

диссертация иловаларида келтирилган очиқ маълумотлар асосидаги схематик-хариталардан жануби-ғарбий Наманган ҳудудларидаги қишлоқлар, бошқа ижтимоий объектларнинг жойлашуви бўйича кичик ҳудудларнинг зоналаштиришда фойдаланилган («OZDAVYERLOYIHA» давлат илмий лойиҳалаштириш институти 2018 йил 4 апрелдаги 72-01/1-218-сонли маълумотномаси). Натижада зонал, регионал миниатлас ва хариталар базаси яна бир илмий-амалий ёрдамчи манба ҳисобига бойиди.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари республика миқёсида 15 та илмий-амалий анжуманларда, 2 та халқаро конференцияда маъруза кўринишида баён этилган ва апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича 23 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертацияларининг асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 9 та мақола, шундан, 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация ҳажми 144 саҳифани ташкил этган бўлиб, кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, диссертациянинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети, унинг республика фан-технологиялари ривожланишининг устувор йўналишига мослиги кўрсатилган. Тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижаси баён қилиниб, уларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган. Тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Ўзбек тили диалектал ареали ва жануби-ғарбий Наманган шевалари**» деб номланган биринчи бобида ўзбек шеваларининг фонетик-фонологик хусусиятлари ва Наманган вилояти шевалари ареалининг ўрганилиши, жануби-ғарбий Наманган шеваларининг этнолисоний белги-

лари, ўзбек шевалари системасида жануби-ғарбий Наманган шеваларининг тутган ўрни ёритилган.

Дунё тилшунослигининг лингвогеография ва ареал тилшунослик соҳасида француз тилшуноси Ж.Жильерон, немис лингвист олими Г.Венкер, Ф.Вреде. П.Меерлар, рус тилшуноси олими И.И.Срезневский кабиларнинг илмий қарашлари⁴ миллат тили диалектологик манбаларини лингвистик география, ареал лингвистика тамойиллари асосида бир бутун, яхлит — умумий тарзда ўрганиш, тадқиқ қилиш кўпроқ самара беришини исботлади.

Туркий тил ва уларнинг шевалари Н.А.Баскаков, М.М.Ширалиев, Э.В.Севортян, Н.З.Гаджиева каби олимлар томонидан тадқиқ қилинди. Натижада туркий тиллар ва улар диалектларининг ўрганилишига бағишланган кўплаб асарлар⁵ майдонга келди.

Ўзбек лингвистик географияси ва ареал тилшунослигининг ривожлантирилиши учун лингвистик хариталар тузиш муаммоларини ҳал этиш мақсадида ўзбек тилшунослари ҳам астойдил киришдилар⁶. Хусусан, А.К.Боровков, В.В.Решетов биринчилардан бўлиб, айрим ўзбек диалектлари ареалларини хариталаштирдилар. Ғози Олим Юнусов, Е.Д.Поливанов, И.К.Юдахинлар ўзбек ареал тилшунослиги ривожига муносиб ҳисса қўшдилар. А.Б.Жўраев⁷, Қ.Мухаммаджонов⁸ сингари олимлар тилни ареал нуқтаи назардан ўргандилар.

В.Решетов, Ш.Шоабдурахмонов, Ф.Абдуллаев, А.Ишаев, Ҳ.Узоқов, С.Отамирзаева, Й.Иброҳимов, О.Носиров, Т.Турғунов, Х.Донёров, Н.Ражабов, Д.Абдуллаева⁹ каби олимлар ўзбек шеваларининг фонетик структураси ва уларнинг ўзига хос хусусиятларини алоҳида эътибор билан ўрганишлари натижасида илмий-назарий қарашлар такомиллашди.

Наманган вилояти шевалари ҳақида биринчи илмий маълумотлар В. Наливкин ва М.Наливкиналар луғатида¹⁰ учраши, унда Наманган шевасига

⁴ Джураев А.Б. Теоретические основы ареального исследования узбекоязычного массива. — Ташкент: Фан, — 1991. — Б. 3; Шерматов А. Лингвистик география нима? — Тошкент: Фан, 1981. — Б.10.

⁵ Баскаков Н.А. Ареалы и маргинальные зоны в развит тюркских языков // Народы и языки Сибири: ареальные исследования. — М., 1978; Ширалиев М. М. Азэрбајчан диалектологіясының асаслари. — Баку, 1981; Севортян Э. В. Ассимиляция и диссимиляция согласных в южных тюркских языках, Исследования по сравнительной грамматике тюркских языков. I. Фонетика. — М., 1955; Гаджиева Н.З. Проблемы тюркской ареальной лингвистики: Среднеазиатский ареал. — М., 1975.

⁶ Шоабдурахмонов Ш. Ўзбек тилининг диалектологик атласи // Ўзбек тили ва адабиёти. — Тошкент, 1969. — № 3. — Б. 33-38; Шерматов А. Каршинский говор узбекского языка: Автореф. дисс. ...канд. филол. наук. — Ташкент, 1960; Шерматов А., Шаабдурахманов Ш. Атлас узбекских народных говоров // Тюркское языкознание: материалы III Всесоюзной конференции. — Ташкент, 1985.

⁷ Джураев А. Б. Теоретические основы ареального исследования узбекоязычного массива. — Ташкент: Фан, 1991.

⁸ Мухаммаджонов Қ. Ареальное исследование узбекских говоров южного Казакстана: Автореф. дисс. ...докт. филол. наук. — Ташкент, 1988; Жанубий Қозоғистондаги ўзбек шевалари. — Тошкент: Фан. 1981.

⁹ Решетов В. В. Узбекский язык. I. — Ташкент: 1959; Ш. Шоабдурахмонов. Ўзбек адабий тили ва ўзбек халқ шевалари. — Тошкент: 1962; Абдуллаев Ф.А. Фонетика Хорезмских говоров. — Ташкент, 1967; Ишаев А. Манғит шевасининг баъзи бир фонетик хусусиятлари. Ўзбек диалектологиясидан материаллар. II. — Тошкент, 1961. — Б. 36; Атамирзаева С. Экспериментально-фонетическое исследование наманганского говора узбекского языка. — Ташкент: Фан, 1974; Иброҳимов Й.М. Жанубий оролбўйи ўзбек шевалари тадқиқи: Филол. фанл. док. ...дисс. автореф. — Тошкент, 2000; Абдуллаева Д. Ўзбек тили Ошоба шевасининг фонетик хусусиятлари: Филол. фанл. номз. ...дисс. автореферати. — Тошкент, 1999.

¹⁰ Наливкин В., Наливкина М. Русско-сартовские й и сартовско-русская словарь общепотребительных слов с приложением краткой грамматики по наречиям Наманганского уезда. — Казань, 1884.

хос ўринларни ажратиб олиш қийинлиги таъкидланади¹¹. Швед туркшуноси Гуннар Яррингнинг Наманган диалектига кирувчи Қилич шевасига бағишланган биринчи инглиз тилидаги китобчаси (*Jarring G. The Uzbek Dialect of Qilich. Leipzig, 1937*) чоп этилганлиги ҳақида маълумотлар бор¹². Наманган шевалари Е.Д.Поливанов, А.К.Боровков, В.В.Решетов, Ғози Олим Юнусов, А.Ю.Алиев, С.Отамирзаева, С.Туляков, Ҳ.Шарипов, О.Шарипов каби олимлар томонидан тадқиқ қилинган¹³.

А.Ю.Алиев Уйчи туман шевасининг лисоний хусусиятларини, С.Отамирзаева Наманган шаҳар шевалари товуш тизимини, С.Туляков морфологик жиҳатларини, О.Шарипов Поп шевасининг айрим морфологик белгиларини ўргандилар. Ҳ.Шарипов Наманган вилоятининг Қирғизистон жанубига қўшни ҳудуд шеваларига қисман тўхталган. Профессор А.К.Боровков Наманган, Уйчи, Чортоқ, Короскон, Учқўрғон, Қайқи шеваларининг, профессор В.В.Решетов Наманган шаҳар шевасининг тарихий шаклланиши, фонетик ва морфологик хусусиятларини илмий асосладилар.

Ўзбек тили Наманган шеваларининг ўрганилиши бўйича амалга оширилган ишларнинг таҳлиллари шуни кўрсатадики, А.К.Боровков Наманган шаҳар шева хусусиятларига асосланиб, вилоятдаги барча шеваларини «умлаутлашган» шевалар тоифасига киритган. Бу фикрга қўшилиш қийин, чунки аксарият шевалар қипчоқ лаҳжасига мансубдир.

Профессор Е.Д.Поливанов Наманган шаҳар ва унга яқин жойлашган Чортоқ, Уйчи ҳамда Шаҳанд аҳоли пунктлари шеваларини¹⁴ эронлашган шеваларнинг уйғурлашган ёки умлаутли **4-а** типига киритган. Лекин Шаҳанд қишлоғи шевасининг бу типга киритиши мунозарали, чунки бу энг қадимий аҳоли манзилларида азалдан «й»ловчи ва «ж»ловчи қипчоқ уруғлари (сарой, олчин, котоғон, қурама, чияли) яшаб келадилар. Профессор Ғози Олим эса фақат Наманган шаҳар шевасини назарда тутиб, бутун Наманган вилоятидаги шеваларни туркбарлос лаҳжасига киритади. Бу фикрга қўшилмаймиз. Профессор В.В.Решетов Наманган диалектига кирувчи шеваларни бошқа шевашуносларга нисбатан тўлақонлироқ тавсифлаган.

Наманган вилоятининг жануби-ғарбий ҳудуд шевалари ҳақидаги маълумот юқоридаги олимларимиз ишларида учрамайди. Зеро бугунги кунда ҳудудда истиқомат қилаётган аҳоли ўз шевасида энг қадимги туркий тил унсурларини сақлаб келмоқда.

¹¹ Алиев А.Ю. Наманган диалекти ҳақида. Ўзбек тили ва адабиёти масалалари. – Тошкент, 1967. – Б.37.

¹² Алиев А.Ю. Наманганская группа говоров узбекского языка: Автореф. дисс. ...докт. филол. наук. – Ташкент, 1975.

¹³ Поливанов Е. Д. Узбекская диалектология и узбекский литературный язык. – Ташкент: Узгосиздат. –1933; Боровков А.К. Узбекские говоры Наманганской области. – Ташкент, 1963; Решетов В.В. О наманганском говоре узбекского языка. Сб. Академику В.А.Гордлевскому. – М., 1953. – С.216; Юнусов Ғ.О. Ўзбек лаҳжаларининг таснифида бир тажриба. – Тошкент: Ўқувўздавнашр. – 1936; Алиев А. Ю. Уйчинский говор узбекского языка: Автореф. дисс. ...канд. филол. наук. – Ташкент, 1960; Отамирзаева С. Экспериментально-фонетическое исследование наманганского говора узбекского языка. – Ташкент: Фан, 1974; Туляков С. Морфологические особенности наманганского говора: Автореф. дисс. ...канд. филол. наук. – Ташкент, 1965; Шарипов Ҳ. Узбекский говоры южной Киргизии: Автореф. дисс. ...канд. филол. наук. – Ташкент, 1967; Шарипов О. Поп шевасининг морфологияси. Ученые записки АГПИ, IV. Андижан, 1957; Алиев А.Ю. Наманган шаҳар лексикасидан материаллар. Ўзбек шевалари лексикаси. – Тошкент, 1966.

¹⁴ В.В.Решетов, Ш. Шоабдурахмонов. Ўзбек диалектологияси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1978. – Б.30-40.

Жануби-ғарбий Наманган диалектал ареали 140 га яқин шаҳарча ва қишлоқларни ўз ичига олган ҳолда ташкил топган бўлиб, уларнинг фонетик-фонологик структурасидаги умумий ўхшашликлар асосида аҳоли истиқомат жойлари ва уларнинг ҳудудий шевалари хариталаштирилган (*иловалардаги жадвал ва чизмаларга қаранг*).

Ўзбек миллати ўз этник таркибининг серқирра ва мураккаблилиги ўзбек тилининг кўп шева тил бўлишига асос бўлган¹⁵. Ҳудудда қадимдан туркий уруғлардан қорақалпоқ, урганжи, элатан, ўлмас, катта ўлмас, қиёт, курама, сарой, қатағон, олчин, монжор, момохон, найман, қозоқ, бешсари, кенегас, тўда, қирчин, уйғур, керайит, қирғиз каби уруғларнинг истиқомат қилиб келаётгани этнотопонимлардан кўриниб туради.

Ўзбек тарихчи олими У. Абдуллаевнинг Фарғона водийсидаги этнослараро жараёнлар ҳақидаги ва бошқа олимлар фикрига¹⁶ асосан, жануби-ғарбий диалекти уч этник қатламнинг биргаликдаги ҳаёт тарзининг алоқаралашуви маҳсули сифатида шаклланган:

1) қадимдан ўтроқ яшаб, деҳқончилик, ҳунармандчилик ва савдо-сотиқ билан шуғулланиб келган уруғ-қабилаларга бўлинмаган, эрон тилли халқлар билан туркий этносларни ва бошқа этник компонентларни узоқ этногенетик ассимиляцияси (қоришуви) натижасида. (Рус тилидаги адабиётларда аҳолининг ушбу қатламига нисбатан «сорт» атамаси қўлланилган¹⁷);

2) Дашти Қипчоқ ўзбеклари кириб келгунига қадар ҳам Марказий Осиё минтақаларида, жумладан, Фарғона водийсида яшаб келган турк, турк-мўғул қабилаларининг авлодлари вакиллари қарлуқ, яғма, чигил, ашпар, чоғрак, қирчин, жалоир, барлос, найман, хитой, баҳрин, тоғай, арғин, балиқчи қабилар нисбатан кўпчиликни ташкил қилган. XIX-XX аср бошларида мазкур қабилалар умумий бир ном яъни, «турк» этноними билан аталган;

3) кейинги даврларда Фарғона водийсига кўчиб келган Дашти Қипчоқ қабилалари вакиллари қипчоқ ва қорақалпоқ уруғлари, чунончи, қирк, кенегас, чиял қатағон, сарой, ўлмас, курама, қозоқ, урганжи, элатан, қиёт, қораёнтоқ, монжор, найман, бешсари, кенегас, қирчин, керайит ва бошқалар ўзбек халқи, қолаверса, ЖҒН ҳудуди аҳолисининг шаклланишидаги учинчи йирик этник қатламдир.

Сирдарёнинг ўрта оқимида яшаб турган қорақалпоқларнинг катта бир гуруҳи XVIII асрда Фарғона водийсига кўчиб ўтган¹⁸. Тарихчи олим С.С.Губаева ҳам Наманган вилоятининг жануби-ғарбий қисмида жойлашган Гуртепа, Бешкапа, Чордона, Қорақалпоқ каби аҳоли масканларини кўрсатади. Фарғона қорақалпоқларини ўрганган Л.С.Толстова водийда манғит, кенегас,

¹⁵ Эргашев А. Андижон вилояти этнотопонимларининг ареал-ономастик тадқиқи: Филол. фанл. номз. ...дисс. автореферати. – Ташкент, 2012. – Б. 3.

¹⁶ Абдуллаев У. Фарғона водийсида этнослараро жараёнлар (XIX-XX аср бошлари). – Тошкент: Янги аср авлоди, 2005. – 215 б.

¹⁷ Губаева С.С. Этнический состав населения Ферганы в конце XIX начале XX вв. – Ташкент: Фан, 1983. – С. 71-74; Абдуллаев У. Фарғона водийсида этнослараро жараёнлар (XIX-XX аср бошлари). – Тошкент: Янги аср авлоди, 2005. – Б. 25-35;

¹⁸ Иногамов Ш.И. Этнический состав населения и этнографическая карта Ферганской долины. – Ташкент. – С.78.

кипчоқ каби қорақалпоқ уруғлари бир қанча майда қавмларга бўлинганлигини таъкидлайди¹⁹.

Жануби-ғарбий Наманган ҳудудида ҳам этнослараро тил муносабатлари икки йўналишда ривожланган: биринчи йўналиш – туркий тиллараро қоришув (метизация); иккинчиси – туркий бўлмаган этнос тиллари ўртасида чатишув (гибридизация). Чунончи, Махмуд Қошғарий Баласоғундаги суғдийлар ҳақида гапириб «Бухоро ва Самарқанддан кўчиб борган суғдоқлар Боласоғунда жойлашиб қолган ва туркийлашиб кетган»²⁰, деб ёзган эди.

Жануби-ғарбий Наманган ҳудуди шевалари умумўзбек шеваларидан қуйидаги ўзига хос фонетик хусусиятлари билан характерланади:

а) контраст жуфт унлиларнинг мавжудлиги ва бунинг натижасида сингармонизмнинг сақланиши, яъни ҳозирги қозоқ, қирғиз, қорақалпоқ тиллари ва бошқа кипчоқ гуруҳига кирадиган турк тилларига хос бўлган товушларнинг асос ва аффиксал морфемаларда алмашилиши: [пэхтэ] пахта, [мэнтэ] манти, [бэлык] балиқ, [бэрыннэр] боринглар, [йэन्नэр] енглар, [чықыннэр] чиқинглар, [бэрэдыгэн] борадиган каби;

б) сўз бошида келган ўрта кўтарилиш унлиларининг дифтонглашуви барча «ж»ловчи кипчоқ шеваларида бўлгани каби мавжуд: [ʲекън] экин, [ʲеэккъ қўль] икки қўли, [ʲена] она, [ʷот] омоним: ўт, ўтмоқ феълидан ташқари, [ʷотын] ўтин, [ʲэгъб нэр/ʲэгвэр] эгиб бер каби. Таққосланг: «й»ловчиларда: [эккъ қўль], «ж»ловчиларда: [ʲекъ қўль] тарзида кузатилади.

в) «ж»ловчиларда ҳам «й»ловчиларда ҳам қисқа-чўзиқ унлилар фарқланмайди. Ундош товушларнинг тушиб қолиши сабабли иккинчи даражали чўзиқлик мавжуд: [шэ:р] шаҳар, [бэ:р] баҳор, [сү:] сув, [кэлү:дь] келганди, [бэру:дь // бэрувдь] борганди каби;

г) жануби-ғарбий Наманган шеваларида барча кипчоқ шеваларига хос бўлмаган товуш алмашинуви кузатиш мумкин: й>г:[түймэ] тугма, [түйсэ] тугса; в>п:[сөв] кетмоннинг сопи; ҳ>с:[укэхъ] укаси, [бэлэхънъ] боласини; ҳ>ш:[эхнэхъ//эхнэхъ//онохноқо] ана шунақа, [мэхнэхъ//мэхнэхъ//мэнэхнэхъ] манна шунақа, [мэхънэхънъ] машинасини; ҳ>қ:[қэхтэ] қаёқда, [ўхъмънан//ўхъмэн] ўқ билан, ҳ>т:[сыйьрдь ўхлэт] сигирни ўтлат, [қэхънэйэптэ] қатнаяпти каби.

д) «х» лашиш мазкур ареал кипчоқ лаҳжаларининг ўзига хос хусусияти бўлиб, шеваларда ҳ ва х фарқланмайди. Бу ҳодиса фақат Мингбулоқ тумани Гуртепа, Ўзгариш, Мулқобод, Узунтепа, Ўртақишлоқ, Шўрсув, Баланд Гуртепа, Қўшқишлоқ, Бешбанги, Дўмса, Этак ва бошқа қишлоқ шевалари «й»ловчиларигагина хослиги жуда характерлидир: [укэхъ] укаси, [эхнэхъ//эхнэхъ//онохноқо, мэхнэхъ//мэхнэхъ//мэнэхнэхъ] манна шунақа, [қэхтэ] қаёқда, [ўхлэт] ўтлат, [қэхънэйэптэ] қатнаяпти; ўзлашмаларда: [мэхънэхънъ] машинасини, [хәмкэхъ] сумкаси каби.

Ишнинг «Жануби-ғарбий Наманган шевалари вокализми» номли иккинчи бобида шева унлиларининг парадигмаси, синтагматикаси ва унлилар билан боғлиқ фонетик жараёнлар ҳақидаги фикрлар баён қилинади.

¹⁹ Толстова Л.С. Каракалпаки Ферганской долины. – Нукус: Каракалпакское государственное издательство, 1959. – С. 27-35.

²⁰ Қошғарий М. Девону луғат-ит турк. (С. Муталлибов нашрга тайёрлаган). – Тошкент, 1960-1963. – Б.486.

Жануби-ғарбий Наманган шевалари фонетик-фонологик белги-хусусиятларига кўра, икки: 1. Шарқий ареал. 2. Шимолий ва марказий ареалга бўлинади.

Географик жойлашувига кўра, қуйидаги уч диалектал зонани ташкил этади (2-3-чизмаларга қаранг):

I. Жануби-ғарбий Наманган шарқий ареали шевалари гуруҳи, шева хусусиятларига кўра қарлуқ ва қипчоқ лаҳжаси (4-8-чизмаларга қаранг).

II. Жануби-ғарбий Наманган шимолий ареали шевалари гуруҳи, шева хусусиятларига кўра қипчоқ лаҳжаси (5-8-чизмаларга қаранг).

III. Жануби-ғарбий Наманган марказий ареали шевалари гуруҳи, шева хусусиятларига кўра қарлуқ ва қипчоқ лаҳжаси (5-8-чизмаларга қаранг).

ЖҒН диалекти унли фонемалари миқдори қарлуқ шеваларида 6 та, қипчоқ шеваларда 8 та. Уларнинг парадигмаси:

1. Жануби-ғарбий Наманган шарқий ареали қарлуқ шевалари гуруҳидаги Наманган шаҳар ва Фарғона тип шеваларида унли фонемалар ўзбек адабий мос келади:

	тил олди		тил орқа	
	лабланмаган	лабланган	лабланмаган	лабланган
тор унлилар	и	-	-	у
ўрта-кенг унлилар	э	-	-	ў
Кенг унлилар	э	-	-	о

Наманган шаҳар тип шеваларида унлилар ундошларнинг хусусиятларини белгилаб бериши кузатилади²¹: [қэчқөрү] кечқурун//кечаси, [эр-хөтү:] эр-хотин, [кэлалла] келадилар каби.

2. Шарқий ареал шевалари гуруҳининг қипчоқ-қорақалпоқ шохобчаси ҳамда шимолий ва марказий ареал қипчоқ шевалари унлилари:

	тил олди		тил орқа	
	лабланмаган	лабланган	лабланмаган	лабланган
тор унлилар	и	ү	-	у
ўрта-кенг унлилар	э	ө	-	ў
Кенг унлилар	э	-	-	о

Қипчоқ шеваларда сингармонизм қонунияти амалдалиги учун олд ва орқа қатор жуфтлари бўлган унлилар маъно фарқлаш хусусиятига эга: [сов] соғ, [сўв] соғмоқ; сигир соғмоқ, [сөв] сепмоқ; [ўр] ўтни ўрмоқ, [өр] сочни ўрмоқ; [туз] русча соль, [түз] тузмоқ, [тут] тут дарахти, [түт] ушла, қўлидан тут, [ун] майдаланган буғдой (русча мука), [үн] овоз, ўсмоқ каби.

ЖҒН ареалида оралик шевалар зонаси мавжуд. Ички оралик шевалар: биргина тилга тегишли икки хил лаҳжанинг ўзаро бир-бирига таъсири натижасида юзага келган; ташки оралик шевалар: икки қардош ёки ноқардош тилга мансуб шеваларнинг ўзаро таъсири туфайли пайдо бўлган (5-6-7-чизмаларга қаранг).

²¹ Атамирзаева С. Экспериментально-фонетическое исследование Наманганского говора узбекского языка. – Ташкент: Фан, 1974. – Б.15-30.

1. Ички оралик шевалар икки гуруҳга бўлинади: а) қарлуқ-чигил-уйғур лаҳжасининг қипчоқ лаҳжасига таъсири натижасида юзага келган ички оралик шева. Қипчоқ шеваси қарлуқ шеваси томонга силжиган: [нүмәңэ] эмас, [нъмәгә], [бөләнчәк] > [бэләнчәк], [ʰйәккь//эккь] > [ьккь] каби; б) қипчоқ лаҳжасининг қарлуқ-чигил-уйғур лаҳжасига таъсири натижасида юзага келган ички оралик шева. Қипчоқ шева белгилари қарлуқ шеваларига сингиб кетган: [этәк] эмас, [мәллә], [сьгьр] > [сьйьр], [бөгчә] > [түйүн] каби.

2. Ўзбек тили Жануби-ғарбий Наманган диалектал ареали ташқи оралик гуруҳига шарқий ареалдаги Шамшиқўл, шимолий ва марказий ареалдаги Маззанг-Дамқўл шевалари киради. Бу шева вакиллари тарихан форсийзабон бўлиб, бугунги кунда икки тилли шева вакиллари²².

ЖҒН шарқий ареали шевалари гуруҳи: 1) Наманган шаҳар тип шева шоҳобчаси; 2) Фарғона тип шева шоҳобчаси; 3) қипчоқ-қорақалпоқ шева шоҳобчаси: а) «й»ловчи қипчоқлар; б) «ж»ловчи қипчоқлар каби шоҳобчаларга бўлинади.

Унлилар. Тор унлилар: и – тил олди, лабланмаган, тор унли. Сўзнинг исталган ўрнида қўлланади: [ийън//ийнъ] елка, [йэвчи//сэвчи] совчи, [тэвасинъ] тепасини, [әкәсъни] акасини, [дўссинъ] дўстини каби; у– умумтуркий юқори кўтарилишдаги тор унли. ЖҒН шеваларида [у] ва [ү] унлилари фонема сифатида мавжуд. [У] ва [ү] бир хил қуршовда ўзаро ўрин алмашиб, сўз маъносига таъсир этади: [куйды] куймоқ, [күйды] сиқилмоқ; [куйдыргъ] енгил сўкиш, [күйдүрги] яра номи каби.

Ўрта-кенг унлилар: е – олдинги қатор, ўрта кўтарилишдаги унли. 1) ЖҒН шеваларида е фонемасининг қўлланиш доираси биринчи бўғин билан чегараланади: [йемьт] зарар келтирувчи, [йетвэ] етиб ол; 2) «ж»ловчи қипчоқ шеваларида сўнги бўғинга силжиши кузатилади: [йәмбәхледи] эмаклади, [йәрше//йәрчи] эргаш; 3) «ж»ловчиларда айрим сўзлар бошида дифтонглашади: [ʰешьк] эшик, [ʰэшкь] эчки, [ʰешишәк] эшак, [ʰетък] этик, [ʰевэр] еб бер, [мʰеҳрь] Меҳри каби; [э] – олд қатор, қуйи кўтарилиш, лабланмаган, е фонемасининг варианты. Адабий орфографик эди, экан, эмиш тўлиқсиз феъллари қўшма феъл компоненти сифатида келганда [э] турғун эмас: [бэрүвды//бэргэндь] борган эди, [бэрэрдь] борар эди; «ж»ловчиларда доимо -й(-ьй) тарзида: [нэръидь] борар эди, [нэргәнъидь] борган эди, [энпорувьидь] олиб борган эди; [бэрәкан] боргин экан, [бэрэрәкан] борар экан, «ж»ловчиларда -ьй -эй тарзида: [нэръйкән], [бэрэйкән] каби; ө – тил олди, ўрта-кенг лабланган унли товуш: ўзбек адабий тилида кўк, кўл; озарб. т.да қозоқ т.да, қорақал. т.да, тува т.да, хакас т.да: көк, көл; ЖҒН шеваларида ҳам көк, көл. Ө фонемаси қипчоқ лаҳжаларида сўзнинг исталган бўғинларида келади: [күйөв] куёв, [бөшөв] арқон, [түнөв күнъ] ўтган куни [мөйлөв] муйлов каби; ў унлиси умумтуркий орқа қатор, ўрта кенгликдаги лабланган товуш. ЖҒН шеваларида [ў] ва [ө] унлилари алоҳида фонема сифатида мавжуд. [сўв]

²² Ишандадаев Д. Наманган атроф тожик ва ўзбек шеваларида сўз яшашнинг айрим хусусиятлари (тожик ва ўзбек тиллари ўзаро таъсири масаласига доир): Филол. фанл. номз. ...дисс. автореф. – Тошкент, 1967.

соғлом, соғмоқ, [сөв] сепмоқ, [ўсмә] ўсимлик, [өсмә] касаллик, [ўр] ўтни ўрмоқ, [өр] сочни ўрмоқ, [ўтын] ёнилғи, [өтын] кечирим сўрамоқ каби.

Кенг унлилар: *а* – тил орқа лабланмаган қуйи кўтарилишдаги кенг унли. Тил орқа, айрим тил олди портловчи *т, д, сирғалувчи в, з, ш*, (айрим ҳолларда *с*) ва портловчи *п, б, м* лаб товушлари билан ёнма-ён келганда адабий ўзига хос белгиларини сақламайди, тўлалигича тил орқа [о]/[э] товуши каби талаффуз қилинади. «ж»ловчи гуруҳ қипчоқ шеваларида эса бундай жараён айрим сўзлардагина кузатилади: [бэлық] балиқ, [қэтық] қатик, [мэнты] манти, [пэхтэ] пахта, [тэрэқ] тароқ каби; [э] – *а* унлисининг тил олди лабланмаган қуйи кенг кўтарилишдаги варианты. ЖҒН шеваларда сингармонизм қонуни талабига кўра, чуқур тил орқа [қ, ғ, х, ң] ундошлари билан ёндош келолмайди. Бундай оппозицияларда кенг унли [э] қўлланади: [қэнь] қани, [ғэлэмьс] ғаламис, [нумэңэ] нимага; шевада таркибида *а, о, у, ў, иш, п, л, х* товушлари бор бўлган содда, қўшма сўзларда ва айрим кўмакчилар билан қўлланган сўзларда [э] унлиси деярли ишлатилмайди: [кэлэвьрсьн] келаверсин, [мўллэ] мулла, [улўшў:// улўшўвьр] улашавер, [эһпэхтэ] оқ пахта, [шэкэрэн] шакароб каби.

Чўзиқ унлилар: фонематик хусусиятларини сақламаган бўлса-да, чўзиқ унли сифатида муайян сўзлар таркибида қотиб қолган. Масалан: [и:] [чи:ш] тиш [у:] [чү:ш] тушмоқ, [у:] [ту:ш] рўпара, тўғриси, [су:қ//кьннэ] назарланмоқ; [е:] [те:вэ] баланд, узун, дароз, [ке:к]: алам, [э:] [зэ:т] уруғ, аждод, авлод, [э:] [жэ:й // йа:й] ёймоқ, [жэй] жой каби.

Сингармонизм. Танглай гармонияси: 1) сўзнинг ўзак қисми – туб лексик шаклларда амал қилади. Кўп бўғинли сўзлардаги биринчи бўғин таркибидаги унлига қолган бўғиндаги унлилар мослашади: [бэлық] балиқ, [мэнты] манти, [қэтық] қатик, [чүмэль], чумоли; 2) сўзнинг ўзак қисмига қўшимча қўшилганда: [пэрмэ+лө+в+гьч] пармалагич, [үй+мэ+лэ+мэ] уймалама, [сэвэ+ч+ьп] савағич; [қэзэнды қулэгы] қозоннинг қулоғи, [тэмдэ] томда, [сийньмдэн] синглимдан, [чачьң] сочинг, [кэльньмьс] келинимиз, [көрдың] кўрдинг, [э:ң] олинг, [қувыллэр//құбырлэр] қувурлар, [бэрээн] борган; [турьп] туриб гапир каби. Лаб гармонияси: *у – у:* [урүв, сүйүқ, тувүшқон] урув (девор уриш), суюқ, туғишган, *ө – ү:* [қурүди, өрүм, өкүн, өкүлота] қуриди, ўрим (соч), ўкинмоқ, вакилота, *ү – ү:* [күкүн, түйүн, йүгүр] кукун, тугун, югур, *ү – ө:* [күйөв, сүрөвэ] куёв, суроби (суроби тортилмоқ) каби. ЖҒН шеваларида лабиал сингармонизмнинг фақат [у-у, ү-ү, ө-ү] ва қисман [ү-ө] кўринишлари мавжуд бўлиб, қолган [в-в, у-ү, о-ү, о-ү] типлари учрамайди. Таркибида лабланишган унли бўлган бир бўғинли сўзларга қўшимча қўшилганда лабланиш содир бўлади: [үр+дүқ] урдик, [түр+үң] туринг, [йүр+үп] юриб, [төл+үп] тўлиб каби.

ЖҒН шеваларида спорадик ҳолатда лабланиш ҳодисаси иккинчи ва учинчи бўғинларга ўтиши кузатилади: [йүгүрүк] югурик қўл, мушт, [күйүнүк] ачинарли, ҳафагарчилик, [сүйүнүв] хурсандчилик, [бүлүндүрүқ] туманли қиров, [сүргүрүч] ширингуруч, [чүгүрчүқ], [түтүрүқ] каби. Бироқ юқорида айтиб ўтганимиздек, ЖҒН шеваларида лаб гармониясининг амал қилиш доираси чегараланган.

Умлаут уйғур тили ва ҳозирги ўзбек тилининг Наманган шаҳар, Уйчи, Чортоқ туманлари, Янгикўрғон ва Учкўрғон туманларининг айрим қишлоқ шеваларига хосдир. Умлаутнинг уч кўриниши: палатал, лабиал ва лингвиал турлари мавжуд. Биринчи тур: Наманган вилоятининг Уйчи шаҳарчаси, Чортоқ, Қайқи қишлоғи шевасида: [тəшъ] тоши, [бəшъ] боши, [қəшъ] қоши каби; иккинчи тур: (Наманган ш., Уйчи т., Чортоқ т.): [тəнүр] тандир, [ɔ:дəрүтть] ағдаряпти, [ɔдə^ʷүлдү// ɔдəшүлдү] адо, тамом бўлди каби; учинчи тур: уйғур тилигагина хос: [касиш] кесиш, [катти] кетди каби. Наманган умлаутлашган шеваларида учинчи тур кўриниши кузатилмайди²³.

Ишнинг «**Жануби-ғарбий Наманган шевалари консонантизми**» деб номланган учинчи бобида ундошлар парадигмаси, синтагматикаси ва ундошлар билан боғлиқ фонетик ҳодисалар таҳлилга тортилган.

ЖҒН шевалар ареалидаги ундошлар парадигмаси қуйидагича:

1. Диалектал ареал шарқий ҳудуд Наманган шаҳар тип ва Фарғона тип шевалари ундошлар парадигмаси адабий тил ундошлари билан бир хил:

овоз ва шовқин иштироки	хосил бўлиш ўрнига кўра хосил бўлиш усулига кўра	бўғиз товуши	чуқур тил орка	саёз тил орка	тил ўрта	тил олди	лаб товушлар	
							лаб-лаб	лаб-тиш
жарангсиз	портловчи		қ	к		т	п	
жарангли	портловчи - сирғалувчи					ч		
жарангли	сирғалувчи			г		д	б	
жарангли	портловчи - сирғалувчи					ж		
жарангсиз	сирғалувчи	ҳ	х			с, ш		ф
жарангли	сирғалувчи		ғ		й	з		в
сонорлар жарангли	ён товуш					л		
	титроқ товуш					р		
	бурун товуши			ң		н	м	

2. ЖҒН диалектал ареали шарқий гуруҳ кипчоқ-қорақалпоқ шоҳобчаси, шимолий ва марказий ҳудуд шеваларининг ундошлар парадигмаси:

овоз ва шовқин иштироки	хосил бўлиш ўрнига кўра хосил бўлиш усулига кўра	бўғиз товуши	чуқур тил орка	саёз тил орка	тил ўрта	тил олди	лаб товушлар	
							лаб-лаб	лаб-тиш
жарангсиз	портловчи		қ	к		т	п	
жарангли	портловчи			г		д	б	
жарангли	портловчи - сирғалувчи					ч		
жарангсиз	сирғалувчи	ҳ				с, ш		
жарангли	портловчи - сирғалувчи					ж		
жарангли	сирғалувчи		ғ		й	з		в
сонорлар жарангли	ён товуш					л		
	титроқ товуш					р		
	бурун товуши			ң		н	м	

ЖҒН кипчоқ шевалари ареалида *х* ва *ҳ* ҳамда *ң* (*н_г*) ундошлари адабий тилдан фарқланади: а) *х* ва *ҳ* ундошларининг фонематик хусусиятлари йўқ; б) *ң*(*н_г*) ундошининг қаттиқлиги ва юмшоқлиги айрим сўзлардагина қадимги

²³ Алиев. А. Ю. Наманганская группа говоров узбекского языка: Автореф. ...дисс. докт. филол. наук. – Ташкент, 1975; Атамирзаева С. Экспериментально-фонетическое исследование наманганского говора. – Ташкент: Фан, 1974. –С.26.

туркий тил унсури қолдиғи сифатида маъно фарқлайди: [нумэңэ] нега, нима сабабдан – мақсад, [нүмэңэ] нимага – предмет, [нүмэ:н] киминг – эгалик, [нүмэ(вы)н] ниманг – тегишлилик.

Ҳ кипчоқ шеваларида сўзнинг турли позицияларида маънога таъсир этмаган ҳолда ўзаро эркин алмашилиши кузатилади: [с//х]: [энаҳънькэ кэтть] онасиникига кетди, [этэхънь көрдъм] отасини кўрдим, [бэлэхъдэ бэр] боласида бор каби. Бу жиҳатдан шева туркий тиллар оиласига мансуб бошқирд тилига хос бўлган хусусиятни ўзида намоён қилади²⁴.

2. Шевада [н] (нг) чуқур ва саёз тил орқа ундоши бўлиб, унинг қадимий қаттиқлик ва юмшоқлик белгиси сақланиб қолган²⁵. Қипчоқ шеваларда сўзларнинг услубий маъноларинигина белгилашга хизмат қилади: [бэры:н] боринг (илтимос, ялиниш), [бэрън] боринг (буйрук), [бэрыңнэр//бэръңлэр] боринглар (кўпликда: илтимос, ялиниш) каби. Марказий ареалнинг қарлуқ тип шеваларида бу ундош ҳудди Тошкент тип шеваларидек [н] тарзида қўлланади. Поп тумани Ғурумсарой, Пунгон, Марғизор, Уйғур, Санг, қишлоқларида [бэрън] боринг, [бэрънлэр] боринглар, [олън] олинг, [қўлън] қўлинг каби ҳолат яққол кўзга ташланади.

